

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХОШИМОВ БОТИРБЕК СУННАТОВИЧ

ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ҚУЙИ ҚИСМИ ҚОРАМОЛЛАР
ПАРАМФИСТОМАТОЗИНИНГ ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ, ОЛДИНИ
ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

03.00.06 - Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Хошимов Ботирбек Суннатович

Зарафшон воҳасининг қуйи қисми қорамоллар парамфистоматозининг
эпизоотологияси, олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб
чиқиш..... 3

Хошимов Ботирбек Суннатович

Эпизоотология парамфистоматоза крупного рогатого скота в нижней
части долины Зеравшан, разработка методов профилактики и
лечения..... 21

Hoshimov Botirbek Sunnatovich

Epizootology of cattle paramphistomatosis in the lower part of Zarafshan
valley and development methods of prevention and treatment 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХОШИМОВ БОТИРБЕК СУННАТОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ҚУЙИ ҚИСМИ ҚОРАМОЛЛАР
ПАРАМФИСТОМАТОЗИНИНГ ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ, ОЛДИНИ
ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

03.00.06 - Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

The theme of doctoral dissertation (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2021.2.PhD/V22.

The doctoral dissertation (PhD) carried out at the Samarkand institute of veterinary medicine.

Abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian, and English (resume)) is placed at the website to address (www.samvmi.uz) and an information-educational portal «Ziyonet» at the address zionet.uz).

Scientific supervisor: **Daminov Asadullo Suvonovich**
doctor of veterinary science, professor

Official opponents: **Yuldashov Nurbek Ergashovich**
doctor of veterinary science

Nurullaev Alisher Abdullaevich
candidate of biology science

Leading organization: **Veterinary scientific research institute**

The defence of the dissertation will take place 10⁰⁰ on « 09 » 08 2021 at the meeting of Scientific Council for awarding the scientific degree on number DSc.06/30.12.2019 V.12.01 at the Samarkand institute of Veterinary Medicine to address: 140103, 77, M. Ulugbek Street, Samarkand, Uzbekistan. Phone: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz

The doctoral dissertation has been registered at the Information-resource center of Samarkand institute of Veterinary Medicine (under № 14285), and possible for review in the Information-Resource Center (Address (140103) 77, M. Ulugbek Street, Samarkand, Uzbekistan. Phone: (99866) 234-76-86).

The abstract of the dissertation is posted on « 09 » 08 2021
(Mailing Protocol № 12 on « 09 » 08 2021)



Kh.B.Yunusov

The Chairman of the Scientific Council awarding the scientific degrees, Doctor of Biology Science, Professor

Sh.Kh.Kurbanov

The Scientific Secretary of the Scientific Council awarding the scientific degrees, Candidate of Veterinary Science, Docent

K.N.Norboev

The Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding the scientific degrees, Doctor of Veterinary Science, Professor

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда экологик ва антропоген омиллар таъсирида йирик ва майда шохли ҳайвонларда, айниқса суғориладиган биогеоценозларда, айрим паразитар касалликлар жумладан, парамфистоматозларнинг кенг тарқалиши ҳамда уларнинг янги ўчоқларининг юзага келиши кўпроқ кузатилмоқда. «Қорамолларнинг парамфистоматоз билан зарарланиши натижасида улардан олинадиган сут ва гўшт маҳсулотлари 10-30 фоизгача камайиши кузатилмоқда»¹. Парамфистоматозларнинг чорвачиликка келтирадиган иқтисодий зарарини олдини олиш ҳамда янги замонавий специфик ва носпецифик даволаш чораларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Дунёнинг турли минтақаларидаги ноқулай биоэкологик омиллар қорамоллар организмининг резистентлигига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга касаллик қўзғатувчиларни ҳайвон организмига таъсирини кучайишига, мослашишига ва кенг тарқалишига имкон яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда инвазион касалликларни келтириб чиқарувчи паразитларнинг ареалини ўз вақтида аниқлаш, уларга қарши илмий асосланган режали даволаш ва олдини олиш чораларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш юқори самара беради. Бугунги кунда полиинвазияланган ҳайвонларни даволаш муолажаларини фақат антгельминтикларни қўллаш орқали амалга оширилиши кутилган натижаларни бермайди. Шунга кўра трематодоз қўзғатувчилари билан кучли зарарланган қорамоллар ва бошқа тур қишлоқ хўжалик ҳайвонларини даволаш ва олдини олиш усуллариини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини, айниқса, қорамолларни трематодозлар билан зарарланишини камайтириш, уларни даволаш, олдини олиш ва қарши-курашишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо улар орасида учрайдиган турли хил инвазион касалликлар, шу жумладан, парамфистоматозлар оқибатида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг нобуд бўлиши, уларнинг ривожланишдан орқада қолиши, маҳсулдорлигининг кескин камайиши ва оғир касалланиш натижасида мажбуран сўйилиш ҳолатлари учраб турибди. Республикамызнинг турли биогеоценозларидаги қорамолларнинг трематодоз касалликлари, хусусан парамфистоматозлар билан зарарланиш муддатларини аниқлаш, уларга эрта ташхис қўйиш, касалликка чалинган ҳайвонларни даволаш ва олдини олиш ҳанузгача муаммо бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»²ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон

¹ Салимов Б.С., Курбонов Ш.Х., Изатуллаев З.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг жигар трематодозлари, уларни даволаш ва олдини олиш чора –тадбирлари. // Тавсиянома. Тошкент, 2009. - Б. 7

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

«Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чрвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қуватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республиканинг турли биогеоценозларида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг трематодозларини эпизоотологик ҳолати, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича Д.А.Азимов, И.Х.Иргашев, Б.С.Салимов, Ш.А.Азимов, А.О.Орипов, Ш.М.Рўзиев, У.Ҳайдаров, С.Дадаев, Ш.А.Джаббаров, Н.Э.Юлдашов, Э.Б.Шакарбоев, Ш.А.Авезимбетов, Ш.Х.Қурбонов, А.С.Даминов ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳайвонлар трематодозларининг тарқалиши, тур таркиби, уларнинг янги ўчоқларини юзага келишини турли иқлим ва ҳудуднинг гидрогеологик шароитларига, чорвачилик юритиш усулларига, касаллик кўзгатувчиларининг дефинитив ва оралик хўжайинларининг экологиясига боғлиқлиги хорижлик олимлар А.М.Атаев, В.В.Кузьмичев, А.В.Зубов, А.Х.Волков, Р.Г.Кармалиев, А.Б.Кочкарев, С.Г.Огородник, Р.Г.Фазлаев, Э.И.Рехвиашвилли, Р.Т.Сафиуллин, D.A.Armstrong, G.V.Malone, C.Mage, N.Mainge, S.Mathenge ва бошқа олимлар томонидан исботланган.

Аммо, сўнгги йилларда республикамизнинг қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада чорвачилик юритишнинг янги шакллари - фермер, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини ташкил этилиши эндиликда ҳайвонларни сақлаш, озиклантириш ҳамда кўпайтиришда янгича ёндашувни талаб қилади, турли паразитар касалликларни даволаш, олдинини олиш ва уларга қарши курашишда замонавий самарали усулларни қўллашни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва унинг негизида ташкил этилган Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги фермер ва ёрдамчи хўжалиқлари билан тузилган хўжалик шартномалар доирасида бажарилган (2006-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон воҳасининг қуйи қисми шароитидаги қорамолларда парамфистоматознинг эпизоотологик хусусиятлари,

қўзғатувчиларнинг тур таркиби, паразитнинг оралиқ хўжайинларини аниқлаш ҳамда касалликни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон воҳасининг қуйи қисми ҳудудларида қорамоллар парамфистоматозларининг эпизоотологияси, мавсумий динамикаси ва тур таркибини аниқлаш;

парамфистомларнинг оралиқ хўжайинлари – планорбид оиласиги мансуб моллюскаларни биотопларда ва яйловларда тарқалиши, уларни парамфистомларнинг партенитлари билан зарарланиш динамикасини аниқлаш;

лаборатория ва табиий шароитда парамфистомлар тухумларининг эмбриологияси ва уларга ташқи муҳитнинг ҳар-хил омиллари таъсирини аниқлаш;

қорамоллар парамфистоматозларини даволаш ва олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотларнинг объекти сифатида Самарқанд ва Навоий вилоятларининг чорвачилик хўжаликлари ҳамда шахсий, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар, уларнинг ошқозон-ичак тизими органларидан йиғилган парамфистомлар, уларнинг турлари, личинкалари, тухумлари, оралиқ хўжайинлари – чучук сув моллюскалари, улардаги қўзғатувчининг партенитлари, адолескарийлар, антгельминтик препаратлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қорамолларнинг ошқозон-ичак тизими – катта қорин, ширдон, тўр қорин, қатқорин, ўн икки бармоқ ичак, ушбу органлардан йиғилган парамфистомлар ва улар томонидан чақириладиган касалликларни даволаш ва олдини олишда қўлланиладиган антгельминтик препаратлар хизмат қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда клиник, эпизоотологик, биоэкологик, малакологик, гельминтологик, патологоанатомик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янглиги:

Зарафшон воҳасининг қуйи қисми шароитида қорамолларда парамфистоматоз қўзғатувчиларининг тур таркиби, эпизоотологик хусусиятлари ва мавсумий динамикаси аниқланган;

илк бор Зарафшон воҳасининг қуйи қисми шароитида қорамоллар орасида парамфистоматоз қўзғатувчиларининг уч турини – *Colicophoron colicophorum*, *Liorchis scotiae* ва *Gastrothylax crumenifer* паразитлик қилиши аниқланган;

парамфистоматоз қўзғатувчиларининг оралиқ хўжайинлари ҳисобланган планорбид оиласига мансуб моллюскаларнинг паразит партенитлари билан зарарланиш муддатлари ва биоэкологик хусусиятлари аниқланган;

табиий ва лаборатория шароитларда парамфистом тухумларининг эмбрионал тараққиётига турли абиотик омилларнинг таъсири аниқланган;

парамфистоматозга носоғлом хўжаликларда қорамоллар орасида ушбу касалликни олдини олиш ва даволашнинг мақбул муддатлари ва соғломлаштириш календар режаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд ва Навоий вилоятларининг шахсий ва деҳқон фермер хўжаликларидаги қорамолларда илк бор парамфистоматознинг эпизоотологияси, касаллик қўзғатувчиларнинг тур таркиби, мавсумий динамикаси ҳамда ушбу касалликларни даволаш ва олдини олишда қарши кураш-чора тадбирлари ишлаб чиқилган;

Зарафшон воҳасининг қуйи қисмида қорамоллар орасида парамфистоматозни келтириб чиқарувчи *Colicophoron colicophorum*, *Liorchis scotiae* ва *Gastrothylax crumenifer* турлари аниқланиб, уларни маълум ҳудудларда инвазия экстенсивлиги ҳамда интенсивлиги таҳлил қилиниб касалликни йўқотиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

парамфистоматозда қорамоллар орасида оралиқ хўжайин вазифасини бажарувчи Planorbidae оиласига мансуб моллюска биотоплари аниқланиб, уларни йўқотиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

қорамоллар парамфистоматозининг олдини олиш ва даволашнинг мақбул муддатлари ва соғломлаштириш календар режаси ишлаб чиқилган;

қорамоллар парамфистоматозига қарши даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, маълумотларга ишлов бериш ва амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон воҳасининг қуйи қисми ҳудудида қорамоллар орасида илк бор учраган ошқозон-ичак трематодозлари, парамфистоматознинг эпизоотологик ҳолати, касаллик қўзғатувчиларининг тур таркиби, мавсумий динамикаси, уларнинг оралиқ хўжайинларининг биоэкологик хусусиятлари, уларда паразит личинкалари партенитларининг тараққиёти, касалликни даволаш ва олдини олишда илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тажриба натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида қорамоллар орасида парамфистоматознинг эпизоотологияси, мавсумий динамикаси, уларни даволаш ва олдини олишда янги антгельминтик препаратларни қўлланилиши унинг самарадорлиги ҳамда ветеринария амалиётига жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқаришга илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон воҳасининг қуйи қисми қорамоллар парамфистоматозининг эпизоотологияси, олдини олиш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Самарқанд ва Навоий вилоятлари хўжаликларида қорамоллар парамфистоматозини даволаш ва олдини олиш бўйича ветеринария тадбирлари» бўйича тавсиянома тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 10 мартдаги 02/23-112-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларни парамфистоматозлар билан касалланишининг олди олиш имконияти яратилган;

Самарқанд ва Навоий вилоятларининг қорамолчилик хўжаликлари шароитида парамфистоматозни даволаш ва олдини олиш учун Альбен ва Фаскоцид таблеткаларини ҳамда Бендаз-10% эритмасини бир йилда икки марта қўллаш жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 10 мартдаги 02/23-112-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларни парамфистоматоз билан касалланиш даражаси 50 фоиздан 75,0 фоизгача камайишига эришилган, сарфланган 1 сўм ҳисобига 7 сўм иқтисодий фойда олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 6 та жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами, 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобда қорамоллар парамфистоматозининг турлари коликофорон, гастротилеякс ва лиорхисларнинг тарқалиши, эпизоотологик ҳолатига тегишли адабиёт маълумотлари келтирилган ва шу асосида таҳлил қилинган. Муаллифларнинг маълумотлари таҳлил қилинганда, шуни кўриш мумкинки, ҳозирги кунгача

Зарафшон воҳасининг қуйи қисмидаги биогеоценозларида парамфистомларининг тарқалиши ва биологик хусусиятлари ўрганилмаганлиги аниқланган. Чунки улар келтирадиган касалликлар бу ҳудудларда учрамаган. Илк бор бизлар томонимиздан қайд қилинган парамфистоматознинг алоҳида коликофороз, гастротилияксоз ва лиорхоз касалликлари ушбу икки вилоятнинг айрим туманлари ҳудудларида илк бор 2011-2013 йиллар орасида тарқала бошланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот усуллари ва материаллари» деб номланган иккинчи бобида парамфистомларнинг (*Colicophoron colicophorum*, *Liorchis scotiae* ва *Gastrothylax crumenifer*) биологияси, лаборатория ва табиий шароитда тухумлар эмбриогонияси, уларнинг яшовчанлигига ташқи муҳитнинг ҳар-хил факторларининг таъсири, тухумларининг қишлаш имкони (яъни қиш даврида яшовчанлиги), оралик хўжайинининг аниқланиши ва бошқа хусусиятлари ўрганилган. Ушбу тажрибаларда Зарафшон воҳасининг қуйи қисмидаги (жумладан, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг айрим туманлари) ҳудудларидаги яйловлардан ва қушхоналаридан келтирилган қорамолларнинг ошқозон-ичак тизимидаги органлар (каттақорин, тўрқорин, ширдон ва 12-бармоқ ичак)дан олинган вояга етган парамфистомлар ва уларнинг тухумларидан фойдаланилди. Олинган паразитлар тоза сувда ювилиб, ювилган тоза стаканларга ёки физиологик эритмага тўлдирилган 36-38⁰С ҳароратда иситилган пробиркаларга ўтказилди ва 2- 4- 6- 24 соатгача шу ҳароратдаги термостатда сақланди. Кўп ҳолларда бир хил тур гельминт тухумлари алоҳида олинди.

Йиғилган тухумлар трематодаларнинг қайси турига мансублигини аниқлаш учун 70⁰ спирт ректификатда ёки 3,0% ли формалиннинг физиологик эритмаси (Барбагалло суюқлиги)да фиксация қилинди. Парамфистомларнинг турларини аниқлашда улардан тотал препаратлар тайёрланди.

Парамфистомлар эмбриогониясини кечадиган оптимал ҳароратни (температурасини) аниқлаш учун улардан олинган тухумларни термостатда ҳар-хил ҳароратда сақлаиб, ҳар куни эмбриогония жараёни яқунлангунга қадар микроскопда ўрганилиб борилди.

Лаборатория шароитида парамфистомлар тухумларининг ривожланишига юқори ҳароратнинг таъсирини ўрганиш мақсадида, суви стерилланган Петри чашкасига керакли миқдорда тухумлар солиниб, ҳар-хил вақт давомида термостатда 42-48⁰С дан 57-58⁰С ҳароратгача қўйилиб, сўнг ушбу Петри чашкаларни термостатдан олиб, тухумлар ривожланишига оптимал (қулай) ҳисобланган ҳароратли (27-28⁰С) бошқа термостатга ўтказилди ва ҳар куни микроскоп остида текширилиб борилди.


Қуруш (сувсизланиш) жараённинг парамфистом тухумларининг эмбриогониясига таъсири ҳам лаборатория шароитида ўрганилди: кўп миқдордаги паразит тухумларини Петри чашкасига солиб, ҳар-хил вақтда (10; 20; 30; 40 сония ва кўп вақтда) термостатда қуритилиб, сўнг яна устига сув қуйилиб, микроскоп остида текширилди.

Тухумларнинг яшовчанлигини уларни термостатда 27-28⁰С ҳароратда 15-20 кун мобайнида сақлаш орқали аниқланди.

Тухумларнинг яшовчанлик хусусиятларига паст нисбий (минус) ҳароратни таъсирини аниқлаш тадқиқотлари лаборатория шароитида 2⁰С дан 6⁰С гача ҳароратида ўрганилди. Бунинг учун: суви мавжуд Петри чашкасига маълум миқдорда тухумлар солиниб, юқоридаги айтилган ҳароратда совутгич (холодилник)га қўйиб, керакли муддатдан сунг уй ҳароратида (27-28⁰С) сақлаб, систематик тарзда микроскопда текширилиб, тирик қолган ва ўлган тухумларнинг фоизи аниқланди.

Парамфистомларнинг эмбрионал ривожланиш муддатини табиий шароитда Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларида жойлашган махсус ажратилган тажриба участкаларида қуйидаги схема бўйича бажарилган:

- янги олинган парамфистом тухумлари сув билан ювилиб, 2-3 литрлик шиша идишга (банкага) солиниб, ариқ суви билан тўлдирилиб ариқнинг тубига қуйилди. Ҳар куни 3 мартаба (эрталаб, туш ва кечга) назорат участкадаги сув ва ҳавони ҳарорати ўлчаб борилди. Тухумларининг бир қисми назорат гуруҳи бўлиб термостатда 27-28⁰С ҳароратда сақланди. Сўнг назорат ва тажриба гуруҳидаги тухумларни олиб ҳар куни микроскоп остида текширилиб борилди. Шу каби текширишлар мирацидийлар тухумдан ажрала бошлагандан ёки охиргисини ўлишига қадар кузатилди.



1-расм. Парамфистомнинг биологик таракқиёти

Биз сув ва тезакдаги тухумларни қишлаш имконини табиий шароитда ҳам ўргандик. Бу тажрибаларда мирацидийларнинг ривожланишини бошланғич ёки шаклланган босқичидаги парамфистом тухумларидан фойдаланилди. Ушбу тухумлар қиш фасли даврида сув ва қорамоллар тезагида сақланади. Тажриба даврида сув ва ҳаво ҳароратини ҳар куни 3 маҳал (эрталаб, туш ва кеч)да улчанди. Қиш даври тугагандан сўнг барча тухумларни кетма-кет ювиш орқали йиғиб олиниб, микроскоп остида текширилди. Бундан ташқари парамфистомларнинг оралиқ хужайинлари (планорбид оиласига мансуб моллюскалар) таъсири ўрганилди. Маълумки, оралиқ хўжайин ҳисобланган – ҳар-хил турдаги сув моллюскалари организмда личинкалар ривожланиши яъни партеногония даври – парамфистомларнинг ривожланиши биологик циклининг асосий бўғинларидан биридир (1-расм). Ёриб кўриш йули билан трематода личинкалари билан табиий зарарланган (инвазияланган) бир неча тур планорбид оиласига мансуб моллюскалар текширилди. Парамфистомларнинг спороциста ва личинка даври (редия ва церкария) фақат *Planorbis tangitarenis* ва *Anisus ladacensis* турларига оид моллюскаларда учради. Жами 8223 нусха моллюскалар текширилиб, шундан *Planorbis tangitarenis* 3966 нусхада, *Anisus ladacensis* 4257 нусхани ташкил этди.

Диссертациянинг «**Қорамоллар парамфистоматозининг эпизоотологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби 4 та параграфдан (банддан) иборат бўлиб, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг географик жойлашуви билан биргаликда, гельминтоовоскопик ва ҳайвонларни гельминтологик ёриб кўриш текшириш усуллари бўйича олинган парамфистоматоз кўзғатувчилари ва уларнинг Зарафшон воҳасининг қуйи қисми бўйлаб тарқалиши, қорамоллар парамфистоматозининг мавсумий ва ёшга оид динамикаси маълумотлари таҳлил қилинди (2-расм). Зарафшон дарёси ҳудудида (аникроғи Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ва Навоий вилояти Хатирчи, Навбахор, Кармана туманларини суғориладиган ҳудудларида) ҳайвонларнинг ошқозон олди бўлимларини тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш орқали қорамолларнинг парамфистомлар билан инвазияланиши ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалга асосан бизлар томонимиздан Самарқанд ва Навоий вилоятларининг барча текширилган ҳудудларида (суғориладиган), айниқса Пахтачи, Хатирчи, Кармана ва Навбахор туманлари қорамолларида парамфистомлар топилиб, ушбу парамфистомларни экстенс инвазияланиши турлича 8,3% дан (Кармана туманида) 12,3% гача (Хатирчи туманида) оралиғида эканлигини кўрсатди.

Қорамоллар парамфистоматозининг ёшга оид динамикаси гельминтоовоскопик (копрологик) усуллар билан ўрганилган бўлиб, уларнинг маълумотлари 2-жадвалда келтирилган. Жами 5904 та қорамоллар тезак намунаси гельминтоовоскопик (копрологик) усулда текширилиб, парамфистом тухумлари мавжуд бўлган ҳайвонлар сони 579 бош (9,8%)ни ташкил этди. Шу билан бирга 1552 бош бир ёшгача (1 йилгача) бўлган таналарнинг 72 бошида (4,6 %) парамфистом тухумлари борлиги аниқланди. 1952 бош бир ёшдан икки ёшгача бўлган (1 дан 2 ёшгача) ёш ҳайвонларнинг 171 бошида (8,8%) тезак намунасида парамфистом тухумлари топилди. 2400 бош вояга етган

ҳайвонлар (2 ёшдан катта)нинг текширилган тезак намуналаридан 336 бошида (14,1%) парамфистом тухумлари мавжудлиги аниқланди (3-расм).

1-жадвал

Зарафшон воҳасининг қўйи оқими ҳудудида туманлар кесимида қорамоллар парамфистоматозининг тарқалиш даражаси (гельминтоовоскопик текшириш маълумотлари бўйича)

Туманлар номи	Текширилган ҳайвонлар сони (бош)	Инвазия экстенсивлиги	
		мутлоқ рақамда (абсол. сонда)	фоизда (%)
Хатирчи	1552	192	12,3
Навбаҳор	1296	116	8,9
Пахтачи	1608	155	9,6
Кармана	1448	116	8,3
Жами:	5904	579	9,8



2-расм. Тўр қоринда парамфистомларнинг жинсий вояга етган шакли

**Парамфистоматознинг ҳайвонлар ёшига нисбатан инвазия
экстенсивлик динамикаси (гельминтоовоскопик усул бўйича)**

Ҳайвонлар гуруҳи	Текширилган ҳайвон бош сони	Парамфистом тухумлари аниқланган қорамоллар	
		сонда	фоизда
1 ёшгача бўлган бузоқлар	1552	72	4,6
1 ёшдан 2 ёшгача бўлган қорамоллар	1952	171	8,8
Ёши катталар (2 ёш ва ундан катталар)	2400	336	14,1
Жами:	5904	579	9,8




3-расм. Катта қорин ва тўр қориндаги парамфистомлар турлари

3-жадвалда қорамоллар ёшидан қатъий назар парамфистомнинг инвазия экстенсивлиги (ИЭ) ва инвазия интенсивлиги (ИИ) мавсумий динамикаси ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу жадвалга кўра баҳорда қорамолларнинг парамфистомлар билан зарарланиши 6,3% ни ташкил этишини кўриш мумкин. Ёз мавсумида қорамолларнинг 9,3%, кузда 11,2%, қишда эса 11,7% парамфистоматозга чалинганлиги аниқланди (4-расм). Ушбу маълумотларга асосан, қорамоллар парамфистомлар билан баҳордан қишгача зарарланиш даражасининг ошиши ва касалликнинг мавсумий эмаслиги кузатилди.

Турли ёшдаги қорамолларнинг парамфистоматозлар инвазия экстенсивлигининг мавсумий динамикаси (гельминтоовоскопик текширишлар буйича)

Йил мавсуми	Текширилган хайвон бош сони	Парамфистом тухумлари аниқланган қорамоллар	
		сонда	фоизда
Баҳор	1368	87	6,3
Ёз	1320	123	9,3
Куз	1720	193	11,2
Қиш	1496	176	11,7
Жами:	5904	579	9,8



4-расм. Қорамоллар парамфистоматозининг мавсумий динамикаси

Диссертациянинг «Парамфистоматозларнинг биоэкологик хусусияти ва тарқалиши» деб номланган тўртинчи боби куйи Зарафшон воҳаси ҳудудида қорамоллар парамфистоматозларининг тарқалиши, биологик хусусиятлари, лаборатория ва табиий шароитда ҳар учала тур парамфистоматозларнинг эмбриогониясини, айрим ташқи муҳит омилларини парамфистомлар тухумларининг яшовчанлиги (ҳаётчанлиги)га таъсири, уларнинг яшовчанлиги (ҳаётчанлиги)ни сақлай олишига, қишлашига ва бошқаларни ўрганишга бағишланган. Ўрганилган тур парамфистом тухумларининг эмбриогония муддатини ҳар-хил ҳароратда ўтказилган тажриба маълумотлари 4-жадвалда

келтирилган. Тажрибалар 2006-2007 йилнинг апрель ва август ойларида ўтказилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида назорат гуруҳи ҳам қўйилди. Ҳароратни термостатда сақлаб ва тухумлар эмбриогонияси микроскоп остида текширилди (яъни биринчи тухумларнинг чиқиши). Жадвал маълумотларига кўра, 30⁰С ҳароратда биринчи мирацидиянинг чиқиши 9-10-кундан бошланди (9-кунда коликофорон, 9-кунда гастротилиякс, 10-кунда лиорхисда) ва 84-86% тухумда эмбриогония кузатилди. Бу демак, сақлаш муҳитнинг ҳарорати кўтарилиши билан биринчи мирацидийларнинг чиқиш муддати (яъни кунлари) қисқаради ва бир вақтнинг ўзида эмбриогония жараёни кузатилаётган тухумлар сони камаяди.

4-жадвал

Ҳар-хил ҳароратда парамфистомлар тухумининг эмбриогония муддати

Тажриба қўйилган сана	Термостадаги ҳарорат (°C)	Биринчи мирацидийларни чиқиш вақти			Эмбриогония муддати			Эмбриогония кузатилган тухумлар, %			Эмбриогония кузатилмаган тухумлар,%		
		Парамфистомлар номи											
		<i>C.colicophorum</i>	<i>L.scootiae</i>	<i>G.crumenifer</i>	<i>C.colicophorum</i>	<i>L.scootiae</i>	<i>G.crumenifer</i>	<i>C.colicophorum</i>	<i>L.scootiae</i>	<i>G.crumenifer</i>	<i>C.colicophorum</i>	<i>L.scootiae</i>	<i>G.crumenifer</i>
01.04.2006	30	10.04.2006	11.04.2006	10.04.2006	9	10	9	86	86	84	14	14	16
01.04.2006	35	10.04.2006	10.04.2006	09.04.2006	9	9	8	74	72	71	26	28	29
01.04.2006	37-38	08.04.2006	08.04.2006	08.04.2006	8	8	8	71	70	69	29	30	31
20.04.2006	40	28.04.2006	28.04.2006	28.04.2006	7	7	7	40	42	41	60	58	59
20.04.2006	45										100	100	100
20.04.2006 (назорат)	27-28	31.04.2006	31.04.2006	01.05.2006	11	11	12	90	88	90	10	12	10

Тухумлар ичида мирацидийларни ривожланишига сув ҳароратини таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари диссертация ишининг № 6 иловасида келтирилган. Тажриба натижалари кўра, тухумларни сувда 18-24⁰С ҳароратда сақлаш вақти ўзайиши билан тирик мирацидиялар сони аста-секин камайиб боради, яъни уларни сувда қанча узоқ сақласак, шунча улар кўп нобуд бўлади.

Парамфистомлар мирацидийларини сувда ҳар-хил ҳароратда (10-11⁰С, 27-30⁰С; 37-38⁰С)да ҳаётчанлигини ўрганиш диссертациянинг № 7 иловасида маълумотлар келтирилган. Тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, сувнинг ҳарорати ортиши билан мирацидийларнинг ўлим миқдори ортади. Ҳарорат +10⁰С, +11⁰С гача пасайиши ёки 27-30⁰С гача ва ундан юқори ошиши билан - парамфистомлар мирацидияларининг ўлими тезлашади. Парамфистомлар мирацидияларнинг яшовчанлиги (ҳаётчанлиги)ни сақлаб қолиш учун оптимал

ҳарорат 18⁰С дан 24⁰С гача бўлиб ва бу ҳароратларда мирацидиялар 27-28 соатгача яшайди.

Табиий шароитда эмбриогониянинг муддатини ўрганиш учун тажрибаларни Самарқанд ва Навоий вилоятларининг бир-бири билан ёнма-ён жойлашган туманларида, яъни бу ҳудудлар бир-бири билан чегарадошлиги учун ва уларнинг ҳарорати (яъни иқлими) бир хил бўлганлигини инобатга олган ҳолда ўтказдик.

Диссертациянинг №8 иловасида келтирилган маълумотларга кўра, ҳаво ҳарорати 13⁰С дан 25⁰С гача (ўртача 21⁰С) етган март ойида коликофорон, гастротилиякс ва лиорхис тухумларида мирацидийларнинг шаклланиши 22-23 кун, мирацидийлар ҳаракатланиши 27-28 кун, мирацидийларни тухумдан чиқиши 31-33 кун давомида кузатилди.

Бизлар томонимиздан ўтказилган лаборатория тажрибаларда парамфистомлар тухумларининг яшовчанлигига баъзи абиотик омилларининг таъсири ўрганилди, яъни парамфистом тухумларини яшовчанлигини сақланиши муддатига юқори ҳароратни (температурани) (40⁰С дан бошлаб 58⁰С гача) ҳамда совуқ ҳароратнинг (музлатишнинг) таъсирини тухумларни керакли вақтга минус ҳароратли (-2⁰С; -3⁰С) шароитда сақлаб ўрганилди.

Ёз ва қиш даврларида табиий яйловлардаги сув ва тезакларда парамфистом тухумларининг яшовчанлигини (ҳаётчанлигини) сақлаш муддатлари ўрганилди.

Ушбу бобда юқорида айтиб ўтилган туманлар ҳудудида парамфистоматознинг оралиқ хўжайинлари – моллюскаларнинг тарқалиши ва уларни парамфистом партенитлари билан зарарланганлик даражаси бўйича малакологик текширишлар натижари батафсил ёритилган.

Олинган барча маълумотлар диссертацияда батафсил баён этилган бўлиб келтирилган жадвалларда кенг ёритилган. Шу сабабли уларни яна қайта баён қилмасликни лозим деб ҳисобладик.

Диссертациянинг **«Парамфистоматозларнинг кечиши. Замонавий антгельминтик препаратларнинг даволаш ва иқтисодий самарадорлигини синаш»** деб номланган бешинчи бобида ўткир ва сурункали кечадиган парамфистоматозларни кечиши очиб берилган. Ўткир парамфистоматоз асосан 1,5-2 ёшли қорамолларда учрайди ва ширдон ҳамда ингичка ичакнинг шиллик қаватида жойлашган (зарарланишнинг бошида) ёш парамфистомлар томонидан чақирилади. Сурункали парамфистоматоз асосан ошқозон-олди бўлимлари асосан катта қорин ва тўр қориннинг шиллик қаватида паразитлик қилувчи вояга етган парамфистомлар томонидан чақирилади. Бунда парамфистомлар миграцияси даврида асосий хўжайин организмида биринчи навбатда ширдон ва ингичка ичакда чуқур патологик ўзгаришларни чақириб, овқат-ҳазм жараёнини бузилиши ва ҳайвоннинг жадал (тез) ориқлашига олиб келади. Қорамоллардаги ўткир кечиш миграцияланаётган (кучаётган) ёш паразитлар орқали кечиши билан боғлиқ, кўп ҳолларда инвазия сурункали кечишга ўтиши ёки ўлим билан тугайди. Ҳайвонларни касалликка носоғлом ҳудудлардаги яйловларга чиқарилгандла 2-4 ҳафта ўтгандан сўнг клиник кўрсаткичлари намоён бўлади ва 17-35 кун давом этади. Касал ҳайвонлар хомуш, ҳолсиз, камҳаракат, ташқи муҳит таъсуротларига жавоби суст. Уларда кўринадиган (очик) шиллик

пардаларининг оч (оқарган)лиги, тишларнинг ғижирлаши, иштаҳанинг йўқлиги, кучли ориқлаш, яланиши, ич қотишнинг тез-тез ич кетиш билан алмашиши, жағ ва кўкрак ости (туш) соҳаларида шишларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Сурункали кечишда тўхтовсиз яқунланмайдиган ич кетишлар (диарея) ва кучли, сезиларли даражадаги ориқлаш кузатилади.

Ушбу бобнинг «Қорамоллар парамфистоматозидида патологоанатомик ўзгаришлар» деб номланган бўлимида мажбурий суйиш ёки табиий ўлим вақтида ошқозон-олди бўлимлар (катта ва тўр қоринлар), ширдон ва 12 -бармоқ ичакнинг тўлиқ ёриб кўриш орқали олинган патанатомик суратлар ҳақида батафсил ёритиб ўтилган. Жами 738 бош ўлган ҳайвонларни ошқозон-ичак тизими тўлиқ гельминтологик ёриб кўриб ўрганилди. Улардан 77 боши парамфистомлар билан зарарланганлиги аниқланди. Топилган парамфистомларнинг умумий сони 81937 нусхани ташкил қилди. Ҳар-хил тадқиқотлар ўтказиш давомида, бизлар томонимиздан қорамоллар парамфистоматози билан табиий (спонтан) зарарланган ички органларининг кўплаб патанатомик ўзгаришларига эътибор қаратилди. Шу билан бирга ҳайвоннинг кескин ориқлаши, кўринарли (очик) шиллик пардаларининг оқариши (анемия ҳолати), тери жунларининг қуруқлиги, ланжлиги, синиқлиги, табиий ялтироқлиги йўқлиги (хира) кузатилди.

Нобуд бўлган ҳайвонлар танаси ёриб кўрилганда жағ ва кўкрак ости (туш) ва қорин бўшлиғида қизғиш рангли инфилтратни кузатдик, бу эса унда қон мавжудлигини билдиради. Қорин бўшлиғидаги ушбу суюқликларда баъзи ҳолларда уларда ёш парамфистомларни кўриш мумкин. Ўткир парамфистоматознинг бошланғич босқичларида ширдон ва ўн икки бармоқ ичак деворларида катарал-геморрагик яллиғланиш ва геморрагия кузатилади, ҳосил бўлган суюқликда (инфилтрат) ичакнинг шиллик ости қаватида яшовчи парамфистомларнинг ёш шакллари кўриш мумкин. Сурункали парамфистоматозда парамфистомлар аниқланган жойларда катта қорин ворсинкаларининг атрофияси қайд этилган. Вояга етган парамфистомлар катта қорин ва тўр қоринда, ёшлар эса – ширдон ва ингичка ичак (12-бармоқ ичак)да жойлашганлигига қарамай, бошқа ички аъзоларда ҳам патологик ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, жигар катталашади, четлари ўтмаслашган, ўт суюқлиги суюқлашган, ранги оч сарик, талоқ қаттиқлашган. Юрак ҳажмининг катталашини, юраколди бўлимида, артериал инфилтрацияси, юрак мушакларининг юмшаши ва эндокардда қон кетиши кузатилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, парамфистоматознинг ўткир шаклида ёш парамфистомларни, асосан ўн икки бармоқ ичак, ширдон, шунингдек, кам намуналарда ўт пуфаги, ўт йўллари ва ошқозон ости безининг секретор каналларида топилган. Ўлган (нобуд бўлган) ёки сўйилган ёш қорамолларнинг танасини ёриб кўрилганда катарал геморрагик энтерит, дуоденит, ширдоннинг пилорик қисмида геморрагик яллиғланиш, чарви лимфа тугунларининг катталашини ва шишиши ҳамда уларда инфилтрация кузатилди.

Сурункали парамфистоматозда, юқорида айтиб ўтилганидек, вояга етган паразитлар, катта ва тўр қоринларда яшаб туриб, патологоанатомик ўзгаришларга, хусусан, ворсинкалар (сурғич)нинг атрофиясига, руминитга,

шиллик қаватнинг кератинизациясига (яъни шохланишига), катта ва тўр қоринларнинг шиллик ости пардасининг ва склеротик ўзгаришларга олиб келади. Ширдон ва ичакларнинг шиллик қаватида бириктирувчи тўқиманинг ўсиши ва сурункали ҳамда атрофик гастродуоденит кузатилди.

Диссертациянинг ушбу бобида касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг асосий чоралари кўрсатилган. Қорамоллар парамфистоматозини даволаш ва олдини олиш учун ушбу икки вилоятнинг айрим туманлари (Пахтачи тумани (Самарқанд вилояти), Кармана, Навбахор ва Хатирчи туманлари (Навоий вилояти)) ҳудудида жойлашган чорвачилик хўжаликларида Альбен, Фаскоцид, Бендаз-10% препаратларини самараси нисбатан паст бўлганлиги сабаб янги антгельминтик препарат «Клорсулон-10%» ва «Ксантел-5%» препаратларини қўллаганимизда юқори самарадорликка эришдик ва ушбу препаратлар амалиётга жорий этилди. Парамфистоматозга қарши курашишда режали чоратадбирларни амалга оширилиши натижасида парамфистоматознинг эпизоотик авж олишини бартараф этилиши ва ушбу туманларда қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва рентабеллигини ошириш имконини берди. Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши натижасида ушбу вилоятларда қорамолларни парамфистоматозлар билан зарарланиши 50,0% дан 75,0% гача камайишига ва сарфланган ҳар бир сўм сарф харажатиининг иқтисодий самарадорлиги 7,0 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Самарқанд ва Навоий вилоятларининг айрим туманларида ўтказилган гельминтоовоскопик текширишлар натижалари қорамоллар парамфистоматозининг ўртача инвазия экстенсивлиги – 9,8% ни, гельминтологик ёриб кўриш натижаларига кўра эса инвазия экстенсивлиги ўртача – 10,4% ни ташкил қилди.

2. Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларидаги қорамоллар орасида парамфистомларнинг 3 тури – *Colicophoron colicophorum*, *Gastrothylax crumenifer* ва *Liorchis scotiae* учраши аниқланди.

3. Тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларда қорамолларнинг парамфистоматоз кўзгатувчилари билан касалликка чалиниши йилнинг барча фаслларида кузатилиб, зарарланишнинг энг юқори даражаси қишда 11,7%, энг паст даражаси эса баҳорда – 6,3% учраши аниқланди.

4. Қорамолларни парамфистоматоз кўзгатувчилари билан зарарланиш экстенсивлиги ўрганилган 3 тури, моноинвазия буйича: коликофороз – 40,2%, гастротилияксоз- 20,7% ва лиорхоз – 7,8% ни ташкил қилди. Аралаш инвазия буйича эса – 10,4% ни ташкил этди.

5. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра ҳайвонларнинг ёши ошиб бориши билан қорамоллар парамфистоматозининг инвазия экстенсивлиги кўчайиб бориши кузатилди. Бир ёшгача бўлган қорамолларда инвазия экстенсивлиги ўртача 2,3% ни, бир ёшдан икки ёшгача бўлганларда – 3,6% ни ва катта ёшларда – 4,7% ни ташкил этди.

6. Лаборатория шароитида ўтказилган эмбриологик тадқиқот натижаларига кўра парамфистом тухумлари эмбрионининг ривожланиши учун $+22^{\circ}\text{C}$ - $+24^{\circ}\text{C}$ ҳароратли муҳит энг мақбул шароит ҳисобланади.

7. Ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра, сув ҳароратининг кўтарилиши билан мирацидийларнинг ўлими сони ошади. Ҳароратнинг $+10^{\circ}\text{C}$, $+11^{\circ}\text{C}$ гача пасайиши билан ёки $27-30^{\circ}\text{C}$ ва ундан юқори даражага кўтарилганда парамфистомлардан мирацидийларнинг яшовчанлигини таъминлаш учун оптимал ҳарорат $18-26^{\circ}\text{C}$ гача ва бу ҳароратда мирацидиялар 27-28 соатгача яшаши аниқланди.

8. Парамфистоматозга носоғлом хўжаликларда қорамоллар орасида ушбу касалликни олдини олиш ва даволашнинг мақбул муддатлари ва соғломлаштириш календар режаси ишлаб чиқилиб, қорамолларни парамфистоматоз билан касалланиш даражаси 50 фоиздан 75,0 фоизгача камайишига эришилиб, сарфланган 1 сўм ҳисобига 7 сўм иқтисодий фойда олинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ХОШИМОВ БОТИРБЕК СУННАТОВИЧ

**ЭПИЗООТОЛОГИЯ ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО
РОГАТОГО СКОТА В НИЖНЕЙ ЧАСТИ ДОЛИНЫ ЗЕРАВШАН,
РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ ПРОФИЛАКТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ**

03.00.06 - Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.2.PhD/V22.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Даминов Асадулло Сувонович
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Юлдашов Нурбек Эргашович
доктор ветеринарных наук, старший научный сотрудник

Нуруллаев Алишер Абдуллаевич
кандидат биологических наук

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт ветеринарии

Защита диссертация состоится «25» 08 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел.: (99866) 234-76-86, e-mail: samvmi@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14285) (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел.: (99866) 234-76-86).

Автореферат диссертации разослан «09» 08 2021 года
(реестр протокола № 12 от «09» 08 2021 года)



Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
д.биол.н., профессор

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
к.вет.н., доцент

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёной степени, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире под влиянием экологических и антропогенных факторов у крупного и мелкого рогатого скота наблюдается широкая распространенность некоторых паразитарных заболеваний, в том числе парамфистоматозов, а также возникновение их новых очагов, особенно в орошаемых биогеоценозах. «В результате поражения крупного рогатого скота парамфистоматозом наблюдается снижение, получаемых от них молочных и мясных продуктов до 10-30 процентов»¹. Одной из важных задач является предотвращение экономического ущерба, наносимого парамфистоматозом животноводству, а также разработка новых современных специфических и неспецифических лечебных мероприятий.

Неблагоприятные биоэкологические факторы в различных регионах мира отрицательно сказываются на сопротивляемости организма крупного рогатого скота, а также позволяют патогенам увеличиваться, адаптироваться и распространяться в организме животных. Поэтому своевременное выявление ареала паразитов, вызывающих инвазивные заболевания, своевременная разработка и внедрение научно обоснованных плановых лечебно-профилактических мероприятий против них дают высокую эффективность. Сегодня лечение полиинвазивных животных только глистогонными средствами не дает ожидаемых результатов. Соответственно, исследования по улучшению лечения и профилактики крупного рогатого скота и других видов сельскохозяйственных животных, сильно пораженных патогенами трематод, являются актуальными.

За последние годы в Республике осуществляются определённые мероприятия, направленные на снижение заражаемости сельскохозяйственных животных, особенно крупного рогатого скота, возбудителями парамфистоматозов, на их лечение и профилактику. Однако до настоящего времени, в ряде случаев, наблюдается гибель и вынужденный убой крупного и мелкого рогатого скота на почве различных инвазионных болезней, в том числе от парамфистоматозов, отставание их в росте и развитии, резкое снижение продуктивности. Всё ещё не уделяется достаточное внимание своевременному определению степени распространения, своевременной диагностике и лечению этих трематодозов, в частности парамфистоматозов крупного рогатого скота в разных биогеоценозах нашей республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-№4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»², УП-№ 5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию

¹ Салимов Б.С., Курбонов Ш.Х., Изатуллаев З.И. Трематодозы печени сельскохозяйственных животных, меры профилактики и лечения их // Рекомендации. Ташкент, 2009. - С. 7

² Указ Президента Республики Узбекистан за УП-№4947, от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

системы государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» и Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-№4254 от 28 марта 2019 года «Об организации деятельности Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан» и от 29 января 2020 года ПП-4576-«О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.
